

## **"Кварц" АЖ ташкилий тузилмасига тушунтириш хати**

Акциядорлар, Кузатув Кенгаши, Ижроия органи ва жамият мансабдор шахслари учун энг муҳим тамойилларини ўз ичига олган корпоратив бошқарув кодекси ва халқаро корпоратив бошқарув стандартлари талабларига мувофиқ бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида, 2025 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан "Кварц" ташкилий тузилиши тасдиқланди. Жамиятнинг кўлами, тармоқ хусусиятлари ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Жамиятнинг бошқарув органлари, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув Кенгаши ва Ижроия органи ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг энг юқори бошқарув органи ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган акциядорларнинг умумий йиғилишидаги тартиб-қоидалар, жамият Устави ва "Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низомда белгиланган.

Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади ва жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва жамият Уставида кўрсатилган, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно ҳамда жамият Уставида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг жамият томонидан амалга оширилишини таъминлайди. Кузатув Кенгаши 9 кишидан иборат.

"Кварц" АЖ Ижроия органи – Бошқаруви ваколати жамият Устави ва "Ижроия органи тўғрисида" ги Низомда белгиланган, жамиятнинг жорий фаолиятини бошқаради. Бошқарувнинг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради. Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно. Бошқарув акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.